



CHARACTERISTICS OF PRODUCTIVITY OF BARLEY FACILITIES FOR DRY FIELDS

Quyliyev Nurisлом Davron o'g'li¹, Jo'rayev Diyor Turdiqulovich²

¹ Basic doctoral student, ² Supervisor. Ph.D., Ph.D.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5131775>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2021

Accepted: 15th July 2021

Online: 24th July 2021

KEY WORDS

barley, variety, line, vegetation, plant height, 1000 grain weight.

ABSTRACT

The main factor for rainfed lands in the country in the context of global climate change is the creation and expansion of productive, resistant to environmental factors, especially heat-resistant and drought-resistant varieties of barley.... In this case, the main task of breeders is to evaluate the lines created using hybridization methods in terms of growth and productivity, transfer the best lines to the next stages. This article discusses breeding work on the productivity of lines that have become a new constant.

ТАЙЁР ТИЗМАЛАРНИ ТАНЛАШ АСОСИДА, ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРГА МОС АРПАНИНГ МАҲСУЛДОРЛИК УНСУРЛАРИ

Қуйлийев Нурислом Даврон ўғли¹, Жўраев Диёр Турдиқуллович²

¹ Таянч докторант, ² Илмий раҳбар. қ.х.ф.ф.д., к.и.х.

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-iyul 2021

Ma'qullandi: 15-iyul 2021

Chop etildi: 24-iyul 2021

KALIT SO'ZLAR

арпа, нав, тизма, ўсув даври, ўсимлик бўйи, 1000 та дон вазни.

ANNOTATSIYA

Глобал иқлим ўзгариши шароитида республикамизда лалмикор майдонлар учун асосий омил, маҳсулдор, ташқи мухит омилларига бардошли, айниқса иссиқлик ва курғоқчилликка чидамли арпа навларини яратиш ва кенгайтиришдир. Бунда дурагайлаш усуллари ёрдамида яратилган тизмаларни ўсув даври ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига кўра баҳолаш, энг яхши тизмаларни кейинги босқичларга ўтказиш селекционерларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ушбу мақолада янги констант ҳолатга келган тизмаларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига кўра танлаш ишлари ҳақида сўз боради.

Кириш. Ҳозирги кунда бошоқли дон экинлари соҳасидаги дунё олимлари олдига экин майдонини кўпайтирмасдан арпа дон ҳосили ва сифатини ошириш вазифаси қўйилган. Республиканинг лалмикор

майдонларида ҳали-ҳануз эскидан экилиб келинаётган Шароф 100, Муштарак, Болғали, Каршининский ва Адир навлари асосий майдонларга экилмоқда.



Ҳосилдорликнинг ҳар қандай ноқулай шароитда бир маромда бўлишлигини таъминлашга биотик ва абиотик стрессларга чидамли бўлган навларни яратиш орқали эришиш мумкин. Ўсимликнинг ўсув даври бошоқли дон экинларида, одатда, 2 даврга бўлинади: униб чиқиш-бошоқлаш ва бошоқлаш-пишиш. Униб чиқиш-бошоқлаш даврининг давомийлиги навнинг асосан кўп миқдорда биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, ташқи муҳит иқлим-шароити кичик даражада аҳамиятга эга, бошоқлаш-пишиш даврида эса ташқи муҳит иқлим-шароити сезиларли даражада таъсир кўрсатади [1].

Арпа ўсимлигининг серҳосил нав ва намуналарини танлашда ҳамда аниқлашда асосан ўсимликдаги маҳсулдор поялар сонига, бошоқдаги дон сонига, бошоқдаги бошоқчалар сонига, 1000 дона дон вазнига асосий эътиборни қаратиш лозим [2].

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқот Қашқадарё вилояти, Қамашу тумани ҳудудида жойлашган Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг Қамашу тажриба участкасида олиб борилди. Тажриба даласида “Арпанинг ҳосилдор, дон сифати юқори намуналари селекция кўчатзори” да 25 та тизмалар 2 қайтариқда экиб ўрганилди. Андоза нав сифатида Абу Ғофур 20 нави экилди.

Тажрибани жойлаштириш ва тажриба давомида фенологик кузатиш, ҳисоб ва таҳлиллар (Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик институти ВИР, 1984) услуби бўйича ва биометрик

таҳлиллар Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1985, 1989) услублари бўйича олиб борилди. Тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985) услуби асосида амалга оширилди. Тадқиқот изланишда дала тажрибаларини рендомизациялари схемаси GenStat 13 дастурининг Alpha lattice design ни асосида тузилди.

Таҳлиллар ва натижалар. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра селекция кўчатзорида ўрганилаётган арпа нав ва тизмаларининг униб чиқиш даври 17-18 декабр кунларига тўғри келганлиги қайд этилди. Тизмаларнинг экишдан - униб чиқишгача бўлган даври 20-22 кунни ташкил этди. Ўрганилаётган тажрибамизда нав ва тизмаларнинг туплаш фазасига ўтиши 5-12 март кунларига тўғри келганлиги аниқланди. Нав ва тизмаларнинг найчалаш фазасига ўтиши 24-27 март кунларида бўлганлиги кузатилди. Униб чиқиш-бошоқлаш даври 129-134 кун оралиғида эканлиги аниқланди.

Андоза Абу Ғофур 20 навида бошоқлашгача бўлган кун 132 кун бўлган бўлса. Андоза навадан бошоқлаш фазасига эртачи муддатда ўтган тизмалар “BULBUL” 129 кун, “ICB10-0447-0AP-0SU-0SU-0SU-ANK10” 134 кун бўлиб 2 тани ташкил қилганлиги таҳлил натижаларига кўра аниқланди.

Нав ва тизмаларнинг униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври таҳлил қилинганда 164 кундан 169 кунгача оралиғида бўлганлиги кузатилди. Андоза Абу Ғофур 20 навида униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври 168 кунни ташкил қилган бўлса,



андоза навга нисбатан эрта
тўлиқ пишиш фазасига ўтган

тизмалар сони 15 тани ташкил
этди (1-жадвал).

1-жадвал

Арпа нав ва тизмаларининг фенологик ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари (Қамаши 2018-2019)

№	Номи ва келиб чиқиши	Униб чиқиш, сана	Бошоқлашгача бўлган кун	Тўлиқ пишиш, сана	Пишишгача бўлган кун	Ҳосилдорлик, ц/га
1	ICB10-0867-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK5	17 дек	132	31 май	166	14,2
2	Local Check (Абу Ғофур 20)	17 дек	132	2 июн	168	21,4
3	ICB10-0130-0AP-OSU-OSU-OSU-7ANK	18 дек	133	30 май	164	17,6
4	ICB10-0770-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK6	17 дек	131	29 май	165	19,8
5	ICB10-0457-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK9	17 дек	131	2 июн	168	13,4
6	ICB10-0509-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK7	17 дек	132	31 май	167	19,2
7	BULBUL	18 дек	129	4 июн	169	24,2
8	ICB10-0867-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK1	17 дек	131	31 май	166	15,8
9	ICB10-0195-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK10	17 дек	132	30 май	165	15,4
10	ICB10-0607-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK1	18 дек	134	1 июн	166	13,5
11	ICB10-0894-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK2	16 дек	133	1 июн	169	18,2
12	ICB10-0781-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK1	16 дек	134	31 май	167	18,3
13	ICB10-0614-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK6	17 дек	134	31 май	166	17,2
14	ICB10-0447-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK10	17 дек	134	31 май	166	25,6
15	ICB10-0457-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK5	17 дек	132	1 июн	167	13,9
16	ICB10-0827-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK2	17 дек	133	30 май	165	18,4
17	ICB10-0796-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK2	17 дек	132	31 май	166	18,3
18	ICB10-0468-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK1	17 дек	134	28 май	164	16,3
19	ICB10-0612-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK3	17 дек	133	2 июн	168	18,8
20	ICB10-0468-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK2	17 дек	131	31 май	166	18,2
21	Tokak	17 дек	133	31 май	166	20
22	ICB10-0769-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK8	17 дек	131	2 июн	168	13,6
23	ICB10-0457-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK3	17 дек	131	1 июн	168	16,1
24	ICB10-0781-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK7	16 дек	132	1 июн	168	17,3
25	ICB10-0447-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK8	17 дек	131	1 июн	167	16,5
Энг юқори курсаткич		18 дек	134	4 июн	169	26
Энг паст курсаткич		16 дек	129	28 май	164	13
Ўртача курсаткич		17 дек	132	31 май	166	18

Ўрганилаётган нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, қайтариқлар бўйича ўртача ҳосилдорлик 13 ц/га дан 26 ц/га га бўлганлиги аниқланди. Андоза “Абу Ғофур 20” навида 21,4 ц/га ни ташкил

этган бўлса. Андоза навга нисбатан юқори ҳосилдорлик “BULBUL” тизмасида 24,2 ц/га, “ICB10-0447-0AP-OSU-OSU-OSU-ANK10” тизмасида 25,6 ц/га эканлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.

БЕЛГИЛАРНИНГ БИР БИРИГА ЎЗАРО КОРЕЛЯТИВ БОҒЛИҚЛИГИ



	Униб чиқиш, сана	Бошоқлашгача бўлган кун	Тўлиқ пишиш, сана	Пишишгача бўлган кун
Бошоқлашгача бўлган кун	-0,25			
Тўлиқ пишиш, сана	0,24	0,51		
Пишишгача бўлган кун	-0,13	0,43	0,93	
Ҳосилдорлик, ц/га	-0,17	0,53	0,24	0,53

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра пишишгача бўлган давр ва ҳосилдорлик ўртасида ижобий корелятив боғлиқликлик $r=0,53$ эканлиги таҳлиллар натижасида аниқланди (2-жадвал).

Хулоса. Лалмикор майдонларга мос навларни танлашда асосий эътибор ташки мухит омилларига бардошли

маҳсулдорлик кўрсаткичларини ҳисобга олиш керак. Тадқиқот натижаларига кўра ўрганилган арпа тизмаларининг фенологик ва ҳосилдорлик хусусиятларини ўрганиш асосида андоза навлардан барча кўрсаткичлари устун бўлган, лалмикор майдонларга мос 2 та тизма танлаб олинди ва селекциянинг кейинги босқичига яъни назорат кўчатзорига ўтказилд

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Аленин П.Г. Продукционный потенциал зерновых, зернобобовых, кормовых и лекарственных культур и совершенствование технологии их возделывания в лесостепи Среднего Поволжья: монография, –Пенза, 2012. – С. 265.
2. Аманов А.А., М.Н.Клинецвич. Изменчивость и корреляция элементов структуру растений физиологических признаков пшеницы учитываемых при селекции на солеустойчивость и продуктивность // Вестник региональной сети по улучшению озимой пшеницы в Центральной Азии и Закавказье. -№ 2. –Алматы. 2001.–С.6-8.
3. Аманов О. А., Болкиев З. Т., Аллаева Д. Х. Хозяйственно-ценные признаки твёрдой пшеницы конкурсного сорто-испытательного питомника //Иновационная наука. – 2019. – №. 7-8.
4. Болқиев З. Т., Аманов О. А. INFLUENCE OF TEMPERATURE ON HARD WHEAT GRAIN QUALITY //Life Sciences and Agriculture. – 2021. – №. 1. – С. 124-128.